

## ЛЕКСИК МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

**Рўзматова Ўғилжон Шукурулло қизи**

*Урганч Давлат Университети*

*Хорижий филология факультети талабаси*

**Аннотация:** *Аннотация: Ушбу мақолада чет тилини ўргатишда лексиканинг аҳамияти, лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари ҳақида маълумот берилган*

**Калит сўзлар:** *лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари, босқичлари, сўз маъносини очиш, уларнинг ижобий, салбий томонлари, лексика ўргатишдаги кетма-кетлик, лексик машқ турлари.*

Лексикани ўргатиш тилни ўргатишнинг асосини ташкил қилади. Лексикани мукамал эгалламасдан нутқ фаолиятининг турларига: гапиришга, эшитиб ва ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиб бўлмайди. Ўқувчи сўзларни эшитиб, ўқиб таний олмаса, билмаса, эшитилган ва ўқилган нутқнинг мазмуни мавҳумлигича қолади. Тинглаб тушунишнинг лексик томони устида ишлаганда, уни тинглаб қабул қила олиш, таний олиш машқлари кенг ишлатилади, чунки лексикани тинглаб қабул қилиш, таний олиш ҳам ўз хусусиятига, қийинчилигига эгадир.

Гапиришнинг лексик томонининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўқувчи уни билмаса гапира олмайди, билганда ҳам ўрнига қўя билиши керак. Ўқишнинг лексик томони ҳам алоҳида қийинчилик туғдиради. Ўқувчи ўқишда кўриб қабул қилади. Шунинг асосида ўқиб маълумот олиш, тушуниш учун сўзларни таний олиши, ўқий олиши, уларнинг маъно мазмунини билган, ўрганган бўлиши керак. Ёзма нутқнинг лексик томони устида ҳам алоҳида ишлаш керак. Ўқувчи у орқали мазмунли, тўғри маълумот бера олиши учун сўзни ёза олиши, талаффуз қила олиши, ўқий олиши зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳаммаси учун лексика керак. Шу сабабдан ўқувчиларга нутқ фаолиятларини ўргатишда лексиканинг ўрни муҳимдир. Чет тили дастури бўйича нутқ фаолиятларини ўргатишда лексик материални ўргатиш мақсад ва воситадир. Дастурда ҳар бир синф учун лексик минимум сони кўрсатилган. Унда 5-синф учун 300 та лексик бирлик, 6-синф учун 200 та, 7-синф учун 200 та, 8-синф учун 200 та, 9-синф учун 100 та лексик бирлик белгиланган.

Ҳаммаси бўлиб дастур талаби бўйича умумтаълим мактабини тугаллаган ўқувчилар ўз нутқ фаолиятларида 1000 та лексик бирликни эркин ишлата олишлари лозим. Бу лексик минимум қўйидаги принциплар асосида танланади:

1. Сўзнинг қўлланилиш даражасига кўра;

2. Сўзнинг муайян мавзуда ишлатилишига кўра (дастур мавзуи);
3. Сўзнинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имкониятига кўра;
4. Сўзнинг қўшимчалар орқали янги сўз яшаш имкониятига кўра;
5. Сўзнинг гап тузишда тезда иштирок эта олишлик имкониятига кўра;
6. Сўзнинг кўп маъноли бўлишлигига кўра;
7. Сўзнинг нутқ услубларида ишлатилишига кўра;
8. Синоним сўзлардан биттасини танлаш асосида.

Танланган лексика ўрта мактаб лексик-минимумини ташкил қилади ҳамда ҳар бир синф учун лексик минимум ажратилади.

Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш 3 босқичда ташкил қилинади:

- 1) янги лексика билан таништириш, тушунтириш;
- 2) янги лексикани ўзлаштириш;
- 3) янги лексикани мустаҳкамлаш.

Янги лексикани таништириш алоҳида ёки контекст орқали ташкил қилиниши мумкин. Уни қандай нутқ фаолияти орқали таништириш ўқитиш босқичига боғлиқ.

Янги сўз билан таништириш:

- 1) V-VI синфларда матнни ўқишдан олдин;
- 2) VII-VIII синфларда матнни ўқиётганда ;

3) IX сифда мустақил луғатдан фойдаланиш жараёнида амалга ошириш қабул қилинган. С. Ф. Шатилов лексикани ўргатиш деганда, лексик кўникмани ҳосил қилишни тушунади. Унинг фикрича, лексик кўникмаларни ҳосил қилиш 3 босқичга бўлинади.

1 - босқич. Киритиш, янги сўзнинг маъносини очиш ва қайта талаффуз қилиш;

2 - босқич. Нутқ вазиятларида қўллашни машқ қилиш ва мустаҳкамлаш;

3 - босқич. Ўзгарувчан – вазиятли (ситуатив) босқич.

Янги лексикани ўрганиш унинг шаклини ўрганишдан бошланади. Сўзни шакли деганда унинг кўриниши, ёзилиши, ўқилиши, талаффуз қилиниши тушунилади. Янги сўзнинг ўқилиши, ёзилиши қўйидагича ўргатилади:

- 1) агар сўздаги ҳарф бирикмасининг ўқилиш қоидаси таниш бўлса, нотаниш янги сўзларни ўқувчининг ўзига ўқитиш оралқи;
- 2) тақлид қилиб ўқитиш ёки талаффуз қилдириш;
- 3) агар нотаниш янги сўзда ўрганилмаган ҳарф, ҳарф бирикмаси бўлса, ўргатиб, сўнг сўзни ўқувчининг ўзига ўқитиш орқали;
- 4) ўхшашлиги бўйича ўқитиш;
- 5) қисман ўқилиш белгиларини бериш орқали;
- 6) ўқитувчининг доскадаги ёзувига ўхшатиб ёздириш орқали.

Бунда асосан олдин яхши ўзлаштирувчи ўқувчи ўқийди ёки талаффуз қилади, қолган ўқувчилар уни жўр бўлиб такрорлайдилар (5-6- синфларда),

кейин яна ўқимаган, талаффуз қилмаганларга якка ўқитилади, талаффуз қилдирилади.

Ўқитиладиган янги сўзларни карточкага рангли ёзиб кўрсатиш, ўқитиш ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Навбатдаги босқичда сўз маъносини (мазмунини) очиш йўллари ўргатилади. Бу асосан икки усулда амалга оширилади:

а) Таржима орқали ёки иккита тил орқали;

б) Таржимасиз тушунтириш орқали.

а) Янги сўзни таржима орқали тушунтириш 3 усулда ташкил ъилинади:

1-усул: французча сўз маъносига мос келадиган асосий маънони, ёки мос келадиган эквивалентини тўғридан-тўғри она тилида оғзаки бериш ёки доскада таржимасини ёзиб қўйиш;

2- усул: сўзнинг иккита маъносини бериш;

3-усул: таржима – изоҳ, орқали сўз маъносини очиш.

Одатда французча сўзнинг маъноси она тилидаги сўз маъносидан тор ёки кенг бўлса, тўлиқ маънога мос келмаса, она тилида изоҳ берилади. Бу усул зарурият туғилганда, синфда ўқувчи кўп бўлганда, сўз маъносини таржимасиз очиш мумкин бўлмаганда, маъноси очиладиган сўз кўп бўлиб, вақт кам бўлганда қўлланилади.

б) Таржимасиз тушунтириш: Бунда тил, нутқ кўрғазмасидан кенг фойдаланилади. Бу усулни қўллаш сўз маъносини француз тилининг ўз воситалари орқали очишдир. Бунда французча контекстдан, нутқ вазиятидан, сўз ясовчи қўшимчалардан, сўзнинг келиб чиъишини таҳлил қилишдан, қўшимчалардан, синоним, антонимлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг ўзларига сўзнинг маъносини фаҳмлаб топишдан, байналмилал сўзларни таний олишликларидан кенг фойдаланилади. Ўқитувчи таржимасиз методни ишлатишдан олдин, албатта ўқувчиларга «Тингланг, ўқинг, фаҳмлаб, сўзнинг маъносини топинг, тушунинг» каби топшириқлар бериб, уларнинг диққатини тортади.

Бу усулнинг ҳам бир неча турлари мавжуд:

1) Сўз маъносини очиш предметни ёки расмни, ҳаракатни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Масалан: ўқитувчи қаламни кўрсатиб, унинг номини жумлалар ичида айтиб такрорлайди. Бунда ўқитувчи мумкин қадар ўқувчилар аввал ўзлаштирган сўз ва жумлалардан фойдаланиши лозим.

2) Сўз маъносини ўқитувчининг юз кўриниши, имо-ишораси, ҳаракати орқали фаҳмлаб топтириш. Масалан, *asseyez-vous!* деб ўқитувчи қўлини пастга тушириши, *levez-vous!* деб қўлини юқорига кўтариши, *je frappe la table* деб столни тақиллатиши мумкин.

3) Сўз маъноси французча изоҳдан фаҳмлаб топтирилади. Масалан: *la cuisine - c'est la chambre où maman prépare le dîner, l'anniversaire - c'est le jour de la naissance .*

4) Сўзнинг маъносини контекstdан фаҳмлаб топтириш.

5) Сўз ясаш қўшимчалари ёрдамида янги сўз маъноси топиш. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчилар аввал ўзлаштирган сўзлардан фойдаланиши лозим. Масалан, ўқувчилар l'école сўзини аввалдан билишлари ҳисобга олиниб un écolier, une écolière сўзларини сўз ясовчи қўшимчалари орқали янги маъно ифодаловчи от ясалаганлигини фаҳмлаб оладилар. Бу ўринда ўқитувчи «Ўйланг-чи, сиз билган негздан қандай маъно ифодаловчи от ясалган?» деб ўқувчиларни фикрлашга йўллайди.

6) Синоним, антонимлардан фойдаланиш орқали янги сўз маъноси очиш. Масалан, ўқувчилар la chambre сўзини аввалдан биладилар, бугун сиз la pièce сўзинининг маъносини очмоқчисиз. Бунинг учун ўқитувчи «C'est la chambre de Nicole - c'est la pièce de Nicole» жумлаларини айтиб, ҳар иккала сўз бир хил маъно англатишини кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бим И. Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника. – М: 1977.
2. Колкер Я. М., Устинова Е. С. Речевые способности: как их формировать ИЯШ, 2000, №4.
3. Полат Е. С. Обучение в сотрудничестве. ИЯШ, 2000, №1.
4. Патрикеева Е. С. К проблеме взаимосвязанного обучения лексической и грамматической сторонам говорения. ИЯШ, 2000, №2.